

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.05.2018.Т.66.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий
КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ЖАМОЛИДДИН САМАТОВИЧ

**ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
САҚЛАШ МАҚСАДИДА ТОЛА АЖРАТИШ ЖАРАЁНИНИНГ
САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Эргашев Жамолиддин Саматович

Пахта толасининг дастлабки сифат кўрсаткичларини
сақлаш мақсадида тола ажратиш жараёнининг самарали
технологиясини яратиш 3

Эргашев Жамолиддин Саматович

Разработка эффективной технологии отделения
волокна с целью сохранения его качественных показателей 25

Ergashev Jamoliddin

Development of an effective technology for fiber
separation in order to maintain its original quality indicators 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 51
List of published works

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.05.2018.Т.66.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ ЖАМОЛИДДИН САМАТОВИЧ

**ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ДАСТЛАБКИ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
САҚЛАШ МАҚСАДИДА ТОЛА АЖРАТИШ ЖАРАЁНИНИНГ
САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2020

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.3.DSc/Т312 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ахмеджоджаев Хамит Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мадумаров Илхом Дадаханович
техника фанлари доктори

Сулаймонов Рустам Шенникович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Валиев Гулам Набиджанович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.30.05.2018.Т.66.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил “14“ феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой, 7-уй. Тел. (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail, nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 355 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07).

Диссертация автореферати 2020 йил “31 “ январ куни тарқатилди.
(2020 йил “31“ январ 11- рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Мурадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

О.Ш.Саримсақов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

Қ.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Пахта бўйича Халқаро консултантив қўмита (ICAC) маълумотларига қараганда «...жаҳон миқёсида ҳар йили 23-24 млн тонна пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, унинг истеъмоли 24-25 млн тоннани ташкил этади»¹. Пахта толаси истеъмолининг ошиши, унинг муайян тури ва навига, сифат кўрсаткичларига бўлган талабнинг ўзгариши туфайли сўнги йилларда муайян сифат кўрсаткичларига эга бўлган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра дунё миқёсида пахта толаси ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш, маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини камайтириш, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, шунингдек пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, маҳсулот таннархини камайтирувчи ресурстежамкор технологияларни яратиш соҳадаги муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Дунёда пахтага дастлабки ишлов бериш технологияси, жумладан пахта толасини чигитдан ажратиш жараёни, техника ва технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, пахтани жинлаш жараёни самарадорлигини оширишнинг илмий асослари ишлаб чиқилмоқда, илмий ҳажмдор, шунингдек замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни жадаллаштириш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, пахта толасини чигитдан ажратиш жараёнида тола ва чигитнинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаш, жараён энергия сарфини камайтириш имконини берадиган, маҳсулот сифатини бошқара оладиган технологияларни, пахта толасини чигитдан ажратувчи кам материал ва энергия сарфлайдиган мукамал ускуналар яратиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, мамлакат пахта тозалаш саноати тузилмасини такомиллаштириш, техник ва технологик қайта қуриш асосида пахта маҳсулотлари таннархини камайтириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали унинг рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда пахта хомашёси толасини чигитдан ажратиш жараёни назарий ва амалий таҳлиллари асосида жин машинаси ишчи камерасини такомиллаштириш ва унинг ҳисобига жинлаш жараёни

¹International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. email secretariat@icac.org. September 1, 2019

самарадорлигини ошириш, жумладан, арра тишларига пахта толаси илашишини яхшилаш ҳамда хомашё валиги тезлигини мувофиқлаштириш ҳисобига жинлаш жараёнининг иш унумини ошириш ва энергия сарфини камайтириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408 сонли «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли «Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъерий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналиши доирасида олиб борилди: II. "Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик"

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Аррали жин ишлаб чиқариш технологияси ва техникасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи мамлакатларидаги (АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Туркия ва Бразилия) турли хил олий ўқув юртларида ва илмий марказларда олиб борилмоқда, шу жумладан, Texas Tech University, Samuel Jakson Incorporated, U.S.Department of agriculture, Lummus, USDA Ginning Cotton Research Unit, USDA Agricultural Research Servise (США), Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University Lebed (Китай), Central Institute for Research on Cotton Technology, Bajaj Steel Industries Ltd (Индия), Balkan Cotton Ginning Machinery Ltd.(Турция), Brazilian Agricultural Research Corporation (Бразилия). Ҳозирги кунда пахта тозалаш ускуналари АҚШ, Ўзбекистон Республикасида, АҚШ лицензияси остида Ҳиндистон, Хитойда ишлаб чиқарилмоқда. АҚШда пахта тозалаш машиналари пахта тозалаш соҳасига ихтисослашган бир қатор компаниялар томонидан ишлаб чиқарилади: “Континенталь”, “Муррей”, “Консолидейтед” ва бошқалар.

АҚШда пахтани дастлабки қайта ишлаш ускуналари соҳасидаги тадқиқотлар Стоунвилл, Лаббок и Мезилла парк шаҳарларидаги қишлоқ хўжалиги департаменти лабораторияларида олиб борилмоқда. Америка муҳандислик компанияларининг асосий фаолияти аррали цилиндр валидаги арралар сонини кўпайтириш, тозаланган чигитларнинг ишчи камерадан самарали чиқишини таъминловчи икки камерали жин яратишга қаратилган.

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www. Chnnawarpingmachine.com](http://www.Chnnawarpingmachine.com), www.zaurer.com; www.t-ecxjapan.co.jp; www.zzfj.com, [http://www. Benningergroup.com](http://www.Benningergroup.com); www.somet.it, [www/picanol.bi](http://www.picanol.bi), <http://www/toyoda/com>, [www.bstzjx.com.](http://www.bstzjx.com), International journal of applied and fundamental research ва бошқа манбаалар асосида ишлаб чиқилган.

АҚШнинг Люммус, Мюнгер, Хенкок Муррей, Хардвиг Эттер, Америка инженер-механиклари жамияти каби илмий мактаблар мутахассислари ҳам пахтани дастлабки ишлаш технологиясини янада такомиллаштириш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларини олиб бормоқдалар. Бу каби мактаблар яратаётган илмий-амалий ишланмалар мамлакатнинг пахта тозалаш, шу жумладан пахта толасини чигитдан ажратиш технологияси ва ускуналарининг бугунги кундаги такомил даражасини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Б.А.Левкович томонидан пахтани қайта ишлаш технологиясининг илмий асосларини яратиш, Ўзбекистон ва МДХ республикаларининг кўплаб олимлари томонидан олиб борилган. Хусусан, хомашё валигида кузатиладиган жараёнлар: чигит, чигитни ўртача туриш вақти, айланиш тезлиги, таркиби, зичлиги ва бошқаларни, яъни аррали жин ишчи камерасидаги жинлаш жараёни ўрганилган. Бироқ, пахтани "юмшоқ" шароитда жинлашни таъминлайдиган янги шакли ва конструкцияси аррали жин ишчи камерасининг назарий ва экспериментал тадқиқотлари натижаларига асосан ишлаб чиқилмаган.

Пахтага ишлов бериш техника ва технологиясини такомиллаштириш, аррали жинлар ишчи органларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш методларини ишлаб чиқиш, жин ишчи органлари янги конструкцияларини яратиш, технологик параметрлари ва жинлаш жараёнини муқобиллаштириш бўйича чет эл муҳандис ва олимларидан К.Grin, E.Uitney, X.Xolms, I.Perkins, G.Klark, E.Lumpkin, A.Martinenko, P.Pfuyger, S.Jonkers, L.Gladinevis, V.Pampel, X.Shommer, G.Viyet, H.Kolchin, F.Piner, P.Bernard ва бошқалар тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ўзбекистонда Б.Левкович, Г.И.Мирошниченко, Р.Г.Махкамов, Г.Д.Джабборов, Г.И.Болдинский, В.Г.Гулидов, П.Н.Тютин, Д.А.Котов, Р.М.Каттахўжаев, М.Тиллаев, Б.М.Мардонов, А.П.Парпиев, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Мурадов, Д.М.Мухаммадиев, Р.Х.Максудов, Э.Т.Махсудов, Р.Сулаймонов ва бошқа олимларнинг пахта толасини чигитдан ажратиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлари натижасида пахта тозалаш соҳаси фани, техника ва технологияси муайян даражада ривожланди.

Жин машинасининг иш унумдорлигини ўсиши албатта хомашё валиги зичлигини ортиши билан бирга содир бўлиши исботланган. Аммо, зичликнинг ортиши билан унумдорлик ортиши маълум чегарагача бўлиб, кейин унумдорлик пасая бошлайди. Бу ҳолат ёнбош йўналишдаги ишқаланиш кучларининг таъсирида хомашё валиги айланиш тезлиги камайиб бориши билан боғлиқ бўлиб, зичлик $550\div 600$ кг/м³ бўлганида жараён бутунлай тўхтаб қолиши исбот қилинган. Бундай ҳолат пахтани жинлаш жараёнига салбий таъсир қилиб, иш унумдорлиги ва тола сифатининг пасайиб кетишига сабабчи бўлади. Бу камчиликни бартараф қилиш учун жинлаш жараёнини янада мукамал ўрганиш, хомашё валигини тезлаштиришнинг амалдагидан бошқа усулларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Соҳада ҳозирги кунгача олиб борилган изланишларда жинлаш

жараёнида хомашё валигини фаоллаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали жин машинаси ишчи камерасини такомиллаштириш масаласи етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ГНТП-12-24 «Создание высокоэффективной технологии отделения волокна с целью повышения качество выпускаемого хлопкового волокна» (2003-2005) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аррали жин ишчи камерасини такомиллаштириш йўли билан аррали жинлашнинг самарали технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги илмий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш режалаштирилган:

пахта бўлакчасини аррали жиннинг мавжуд ишчи камерасидаги ҳаракатини ўрганиш;

пахта бўлакчасини аррали жин ишчи камерасига ўрнатилган тезлаткич таъсиридаги ҳаракатини ўрганиш;

пахта бўлакчасини аррали жин ишчи камерасига ўрнатилган ҳавопуркагич таъсиридаги ҳаракатини ўрганиш;

пахта бўлакчасини жинлаш нуқтасидаги зарба жараёнини ўрганиш;

пахта бўлакчасини аррали жин ишчи камерасидаги лентали ташигич билан ҳаракатланиш қонуниятини ўрганиш;

аррали жин ишчи камерасининг рационал конструкциясини яратиш;

жинлаш жараёнининг пахта толасини физик-механик хусусиятларига таъсирини ўрганиш;

жинлаш жараёнининг чигитнинг шикастланиши ва пахта толасининг йиғирилиш хусусиятига таъсирини ўрганиш;

жинлаш жараёни асосий омилларининг оптимал қийматларини аниқлаш;

аррали жин машинасини янги қурилмалар билан тажриба тадқиқотларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта хом ашёси ва уни жинлаш жараёни, аррали жин ва хусусан, унинг иш камераси олинган.

Тадқиқотнинг предмети ишчи камерадаги хомашё валигининг зичлиги ва ҳаракати, аррали жиннинг ишчи қисмлари омиллари ва уларнинг иш режими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида олий математика, назарий механика, шунингдек, туташ муҳитлар динамикаси, эҳтимоллар назарияси, экспериментларни режалаштириш ва оптималлаштириш, ўлчаш, назорат қилиш, тадқиқот натижаларни солиштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

айланма ҳаракатда бўлган хомашё валиги ва ишчи камера орасидаги ишқаланиш коэффициентининг камайишини таъминлаш шартини инобатга

олган ҳолда радиал профилли ишчи камера конструкцияси яратилган;

пахта бўлакчасининг аррали жин ишчи камерасига ўрнатилган тезлаткич таъсиридаги ҳаракати траекториясини ҳисобга олган ҳолда чигитнинг ишчи камерадан кафолатли чиқиши ва хомашё валигининг энг мақбул айланиш тезлигини таъминловчи тезлаткич конструкцияси ишлаб чиқилган;

аррали жин ишчи камерасига ўрнатилган ҳавопуркагич таъсирида тозаланган чигитларнинг ишчи камерадан чиқиши тезлашиши ва бир вақтда илинган толалар миқдори ошишини инобатга олиб, жараён иш унуми, ҳаво тезлиги, қувур диаметри ва ҳавони йўналтириш бурчаги аниқланган;

аррали жин ишчи камераси жинлаш нуқтасидаги зарба жараёнида чигит механик шикастланишининг олдини олиш шартидан келиб чиқиб, камера эгрилик радиусининг рационал қиймати аниқланган;

хомашё валиги ўқига қўшимча буровчи момент киритилганда унинг айланиш тезлигини бошқариш имконияти юзага келишини инобатга олиб, аррали жин ишчи камераси тезлаткичининг диаметри ва айланиш тезлигининг рационал қиймати аниқланган;

кўп омилли режали тажрибаларда олинган қонуниятлар таҳлили натижаларидан келиб чиқиб, жинлаш жараёнининг пахта маҳсулотлари дастлабки сифат кўрсаткичларига салбий таъсирини олдини олувчи ишчи камерага эга бўлган аррали жин конструкцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар:

Ишнинг натижалари бизга аррали жинлаш жараёнининг илмий асосларини ишлаб чиқишга имкон беради. Назарий ишланмалар ва экспериментал изланишлар асосида пахта чигитини ўз вақтида чиқариб олиш учун иш камерасининг янги шакли ва ундаги қурилма аниқланди, бу эса пахта хом ашёсини қайта ишлашнинг самарали технологиясини яратишга имкон берди. Биринчи марта, валикни арра цилиндр билан контакт узунлиги ўрнатилди ва хомашё валигининг толани тортиш зоналарига бўлинди. Ушбу кўрсаткичларнинг натижаларига кўра, шунингдек, хомашё валигининг айланиш тезлиги, битта марказ остидаги иш камерасининг эгрилик радиуси аниқланди.

Тадқиқотлар натижасида иш камерасидан чигитни ўз вақтида олиб чиқиш учун, шунингдек арра тиши орқали тола қўшимча илашишига ёрдам берадиган ҳаво тизимининг самарали шакли аниқланди:

хомашё валигининг зичлиги ошгани сари иш камерасининг кўндаланг йўналиши бўйича ишқаланиш кучлари таъсири остида жинлаш жараёни унумдорлигини пасайиши натижасида хомашё валигининг тезлигини пасайиши аниқланди;

хомашё валигининг ўқига қўшимча моментни киритиш орқали айланиш тезлигини бошқариш имкониятини аниқлайдиган тенглама тузилди;

аррали жиннинг ишчи камерасининг ён деворларига қозиқли тезлаткични ўрнатиш орқали толани чигитдан ажратиш самарадорлигини ошириш усули ишлаб чиқилган;

аррали жинлаш жараёни ва иш камерасининг ишчи параметрларини таҳлил қилиш асосида аррали жин ишчи камерасининг ён деворларига

ўрнатилган дискларни айлантириш механизми ишлаб чиқилган ва аррали жиннинг экспериментал намунаси тайёрланган;

тажрибани режалаштириш натижаларини таҳлил қилиш орқали хомашё валигининг айлантириш мосламасининг рационал таркибий ва технологик параметрлари аниқланди ва уларнинг асосида ишлаб чиқариш намунаси ишлаб чиқарилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик моделларнинг экспериментал тадқиқотлар натижалари, қиёсий таҳлил натижалари ва математик статистика усуллари маълумотларига мослиги, назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларини ўзаро мутаносиблиги ва фан, техника ва технологиялар ривожланишининг амалдаги ва истиқболдаги анъаналарига мувофиқ келиши, тадқиқотларда стандарт усул ва замонавий назорат-ўлчов воситаларидан фойдаланилганлиги, тавсия этилган ишчи органлари бўлган аррали жиннинг коллегиял ҳолда ўтказилган ва расмийлаштирилган ишлаб чиқариш синовлари ҳамда мавжуд аррали жин кўрсаткичлари билан солиштириш натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аррали жиннинг тавсия этилган ишчи органлари ва пахта бўлакчалари ҳаракатларини ифодаловчи динамик ва математик моделлари, масалаларнинг сонли ечимлари, ҳаракат қонунлари ва параметрларининг ўзаро боғланишлари, машинани ишлаш режимларини танлаб олиш усуллариининг пахтани жинлаш назарияси асосларини муайян даражада бойитиш ва ривожланишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилгани, олинган натижаларнинг амалиётдаги натижалар билан мутаносиблиги, тажрибавий тадқиқот натижаларига биноан ҳавопуркагич ўрнатилган иш камерасининг янги профили ҳамда қозикли тезлаткичнинг хомашё валиги тезлигини орттириши пахтани жинлаш самарадорлигини оширишни таъминлаши ва иқтисодий самарадорлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аррали жин ишчи камерасини такомиллаштириш йўли билан аррали жинлашнинг самарали технологиясини яратиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида:

пахта толасини чигитдан ажратишни таъминлайдиган аррали жин конструкцияси «Ўзпахтасаноат» АЖ га қарашли Гулбоғ пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2019 йил 2 декабрдаги 03-18/6898 - сон маълумотномаси). Натижада аррали жинлаш жараёнида ишчи камерадан чигитларнинг вақт бирлигидаги чиқиши 34 % га кўпайганлиги сабабли жараён иш унумдорлиги ошган;

аррали жинлаш жараёнида радиал профилли ишчи камера ва хомашё валиги тезлаткичини қўллашга асосланган технология «Ўзпахтасаноат» АЖга қарашли Чуст пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2019 йил 2 декабрдаги 03-18/6898 - сон маълумотномаси). Натижада аррали жин машинаси иш унуми 12-14% га ошган;

янги конструкциядаги аррали жин ишчи камераси «Ўзпахтасаноат» АЖга қарашли Гулбоғ пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ нинг 2019 йил 2 декабрдаги 03-18/6898 - сон маълумотномаси). Натижада чигит механик шикастланишини 0,3% ва толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини 0,4% га камайтириш эвазига махсулот сифатининг яхшиланиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 4 та халқаро ва 21 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган ҳамда 2016 йил «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» Республика ярмаркасида намойиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 46 та илмий ишлар чоп этилган, шундан 13 та илмий мақола, шу жумладан 11 та диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган. 2 та фойдали модел учун интеллектуал мулк агентлигининг патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблигини, заруратини асосланди, ишнинг мақсади, вазифаси, объекти, предмети ҳамда мавзунинг Ўзбекистон Республикасининг илм, фан ва технологияни ривожлантиришнинг устивор йўналишига мослиги, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, чоп этилган мақолалар ва ишнинг ҳажми ёритилган.


Диссертациянинг биринчи боби **“Пахтани аррали жинлаш тадқиқотларини таҳлилий шарҳи”** га бағишланган бўлиб, пахтани қайта ишлаш технологик жараёнининг мавжуд ҳолатини таҳлил қилишга бағишланган. Маҳаллий ва хорижий аррали жинларнинг конструкцияси таҳлил қилинган. Таҳлил асосида ишнинг мақсади ва вазифалари аниқланди. Тадқиқотнинг мақсад аррали жиннинг иш камерасини такомиллаштиришга асосланган аррали жинлаш жараёнининг самарали технологиясини ишлаб чиқиш орқали пахта толаси ва чигитининг дастлабки сифат кўрсаткичлари сақланишини таъминлашдир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Аррали жинлаш жараёнини назарий тадқиқоти”**га бағишланган. Унда бир неча йўналишдаги назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Дастлабки тадқиқотда аррали жин ишчи камерасидаги хомашё валигининг зичлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар ҳамда уни бошқариш имкониятлари таҳлил қилинган.

Иш камерасининг кўндаланг кесим юзаси ва ишчи камеранинг узунлигини ҳисобга олган ҳолда, $L = 2335$ мм, иш камерасининг чап ва ўнг томонларининг ўлчамлари ва сиртларини ҳисоблаймиз, 2.1 ва 2.2 расмларга кўра ишчи камеранинг кўндаланг кесим юзалари ва ҳажмини қуйидаги тенгламалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$S_1 = \frac{\pi \cdot R_1 \cdot \alpha}{360^\circ} = \frac{\pi \cdot (0.25)^2 \cdot 150^\circ}{360^\circ} = 0.082 \text{ м}^2$$



2.1-расм. Жин ишчи камерасининг геометрик тасвири



2.2-расм. Жин ишчи камерасида хомашё валиги қатламлари таркибини жойлашиши.

$$S_2 = \frac{\pi \cdot R_2^2}{2} = \frac{\pi \cdot (0.168)^2}{2} = 0.044 \text{ м}^2$$

$$S = S_1 + S_2 = 0.082 + 0.044 = 0.126 \text{ м}^2$$

$$V = S \cdot L = 0.126 \cdot 2.335 = 0.294 \text{ м}^3$$

Шунингдек, ҳаво оқими таъсир этмаган ҳолда арра тишларига илашган толалар тўпламининг ҳаракатига назарий таҳлил ўтказилди.

Тасаввур қилайлик $t=0$ бўлганида тиш юқори қисмида аррали цилиндрнинг ўртасига жойлаштирилган жойдан R масофада жойлашган. Ихтиёрий вақт momenti давомида $t>0$ бўлса, бу масофа қуйидагига тенг бўлади (2.3- расм).

$$R = \sqrt{(h-r)^2 + R_0^2 - 2(h-r)R_0 \cos \alpha_0} \approx R_0 - (h-r) \cos \alpha_0$$


$$\left(\frac{h}{R_0} \ll 1; \frac{r}{R_0} \ll 1\right)$$

Бу ерда, h - тишнинг баландлиги, м;

r - тишнинг устки қисмидан тиш бўйлаб пахта бўлагининг янги масофаси, м;

R_0 – аррали дискнинг остки қисмидан тишнинг юқори қисмигача бўлган радиуси, м;

R - арра тишидаги пахта бўлагининг жорий радиуси, м



2.3-расм. Арра тишлари билан қопланган толали тўпламнинг ҳаракати

Шундай қилиб, хомашё валигининг пахта бўлакчасига таъсирини йиғилган кучи қуйидагига тенг бўлади:

$$F_d = pS [\sin \alpha_0 - \varphi_0 - \omega t - \lambda] - f \cos (\alpha_0 - \varphi_0 - \omega t - \lambda)$$


Кучлар, ихтиёрий радиусли қатламдаги хомашё валигининг босими қуйидагича:

$$P_n = P_0 - \frac{4\mu \cdot B}{r_1^5} + \rho \left[\frac{Ar_1^2}{2} + 2AB \ln r_1 - \frac{B^2}{2r_1^2} \right] + \frac{4\mu B}{r^5} - \rho \left(\frac{A^2 r^2}{2} + 2AB \ln 2 - \frac{B^2}{2r^2} \right)$$


ифода билан аниқланиши мумкин.

ρ - хомашё валигининг зичлиги (кг/м³)


μ - хомашё валигининг динамик қовушқоқлик коэффициентини.



2.4-расм . хомашё валигининг пахта бўлакчасига AA , контакт чизиғига перпендикуляр йўналган босим кучи



2.5-расм. Хомашё валигининг уринма тезлигининг радиал ўқ бўйича ўзгариши



2.6-расм. Жин иш камерасининг чап четидан хомашё валигида ҳосил бўлган уринма йўналишдаги босим кучи

Вақтнинг ихтиёрий лаҳзаси $t > 0$ бўлса, бу масофа куйидагига тенг бўлади (2.6-расм):

$$R = \sqrt{(l - \xi)^2 + R_0^2 - 2(l - \xi)R_0 \cdot \cos \alpha_0} \approx R_1 + a\xi$$

$$R_1 = \sqrt{l^2 + R_0^2 - 2R_0l \cdot \cos \alpha_0}$$


$$a = \frac{R_0 \cos \alpha_0 - l}{R_1} \approx \cos \alpha_0; \quad \alpha_0 > \frac{\pi}{2}; \quad a < 0$$

бу ерда, l - тишнинг баландлиги;


ξ - тишнинг устки қисмидан тиш бўйлаб пахта бўлагининг янги ҳолатигача бўлган масофа;

R_0 - тиш бўшлиғининг радиуси;

α_0 - тиш олд қиррасининг эгилиш бурчаги.



2.7-расм. Арра тишларига илашган толанинг ҳаракатини аниқлаш схемаси




2.8-расм. Битта чигит ҳаракатини зарба кучи ва тортишиш кучи таъсирида аниқлаш схемаси

$$\ddot{\xi} + \xi \left[\frac{k}{ma^2} \cos(\alpha_0 - \varphi_0 - \omega t) - \omega^2 \right] = \frac{\omega^2}{a} R_1 + \frac{P_e}{ma^2} [\sin(\alpha_0 - \varphi_0 - \omega t) - f \cos(\alpha_0 - \varphi_0 - \omega t)]$$

Бу тенгламани берилган бошланғич шартлар билан тахлили шуни кўрсатадики, ҳаво оқимининг мавжудлиги чигитнинг панжара бўйлаб тебранма ҳаракатига ва силжишига олиб келади, шунингдек, чигитнинг хомашё валигидан чиқишига олиб келади. Бинобарин, аррали жин ишчи камерасидан тозаланган чигитларни янада самарали ажратиш олиш имкониятини беради.

Урилиш ва тортишиш кучлари таъсирида битта чигитнинг ҳаракатини кўриб чиқимиз (2.9-расм).



$$\begin{cases} Y - Y_0 = \left(\frac{g}{2} + \frac{P_e \cdot \cos \alpha}{2m} \right) t^2 + \vartheta_0 t \cdot \cos \beta \\ X - X_0 = -\frac{P_e \cdot \sin \alpha}{2m} t^2 + \vartheta_0 t \cdot \sin \beta, \end{cases}$$

бу ерда:



β - чигитнинг учуш бурчаги

ϑ_0 - чигит ҳаракатининг бошланғич тезлиги;

t - ишчи камерасидан чигитларнинг чиқиш вақти.

2.9-расм. Урилиш ва тортишиш кучлари таъсирида чигитларнинг ҳаракатланиш йўналишини аниқлаш схемаси

Таклиф этилаётган аррали жин иш камерасида пахта бўлакчаларини арра тишлари билан ўзаро таъсирлашиш қонуниятининг математик модели олинди.




2.10-расм. Арра тишларига илашган пахта бўлакчасининг арра тишлари билан таъсирлашуви схемаси


Пахта бўлакчаларининг арра тишлари билан ўзаро таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\begin{cases} x(t) = \left(\frac{Vn}{\omega} \cos \beta - \frac{a_1}{\omega^3} \right) \cdot \sin \omega t + \left(-\frac{a_2}{\omega^2} \right) \cos \omega t + \frac{a_1}{\omega^2} + \frac{a_2}{\omega^2} \\ y(t) = b_1 \frac{t^2}{2} + Vn \cos \beta t + h \end{cases}$$

Назарий тадқиқотларда олинган математик боғланишлар Maple-17 дастурида компьютерда қайта ишланди ва унинг натижаларига асосан жин машинаси ишчи камерасининг пахта массаси ҳаракатига энг кам таъсир кўрсатадиган юзаси профили ишлаб чиқилди. Солиштириш учун амалдаги ва янги ишчи профил схемалари ёнма-ён келтирилди (2.11-2.12 расмлар).




2.11-расм. Мавжуд аррали жин иш камерасининг схемаси



2. 12-расм. Таклиф этилаётган янги профили ишчи камеранинг схемаси

Диссертациянинг учинчи боби ”Пахтани жинлаш жараёнининг тола ва чигитларнинг сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш”га ба-ишланган.

Экспериментал тадқиқотларни олиб бориш учун махсус қурилма ўрнатилди ва ишлаш жараёнини кузатиш мақсадида ён деворнинг ўнг томони ойнадан тайёрланди.



3.1-расм. 30 та аррали жин машинасининг тажриба ўтказиш схемаси




3.2-расм. Эксперимент учун мўлжалланган 30 та аррали жиннинг олд кўрениши

Пахта массасининг ишчи камера деворларига бераётган юкламани аниқлаш учун камера девори ички юзасига тензометрлар ўрнатилди ва улар махсус электрон қурилмага уланди. Электрон вурилма тензометрли ўлчагичлардан, Нх711 модулидан ва Atmel 328 назорат воситасидан иборат. Тензометрли ўлчагичлар қаттиқ металл блокка бириктирилган бўлиб, улар юклангандан сўнг деформацияланади ва маълумотларни рақамли созлагич Нх711 узатади. Созлагич компьютерга уланган бўлиб, ўлчов маълумотлари унинг экранда намоён бўлади.



Янги электрон қурилманинг умумий кўрениши



Янги электрон қурилманинг схемаси

3.3-расм. Электрон қурилманинг умумий тuzилиши ва схемаси

Тадқиқотлар жин машинаси тўлиқ ишга туширилгач амалга оширилди. Машинанинг турли иш унуми, хомашё валигининг турли тезликларида, ишчи камерага тезлаткич ўрнатилган ва ўрнатилмаган, шунингдек амалдаги ва тавсия этилган профилдаги камера деворлари ўрнатилган вариантларда

камера деворига тушадиган юкламанинг электрон ёзувлари олинди ва таҳлил қилинди. Олинган натижалар аввал ўтказилган назарий тадқиқотлар натижалари билан солиштирилди ва янги профилдаги камера шакли ва ўлчамлари асослаб берилди. Сўнгра, танланган профилдаги ишчи камера билан ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилди. Олинган натижалар 3.1 ва 3.2-жадвалларда келтирилган:

Тажриба натижалари


3.1-жадвал

Селекция Нави	Жин тури	Нуқсонлар ва чет аралашмалар нинг миқдори %	Шу жумладан (%)						
			Ажрати лган йирик ифлосли қлар	Синган чигит	Толали чигит қобиғи	Аралаш туғунчали нуқсонлар	Май- да ифло слиқ лар	Улюқ	Чигит шикастлани шини ошиши
С-6524	Мавжуд	3,48	0,976	0,556	0,84	0,104	0,28	0,728	2,32
	Таклиф	3,25	0,966	0,366	0,80	0,012	0,42	0,638	1,76
Уйчи-2	Мавжуд	2,38	0,60	0,256	0,58	0,092	0,12	0,732	1,69
	Таклиф	2,31	0,508	0,228	0,56	-	0,12	0,896	1,30


Тажриба натижалари

3.2-жадвал

Селекция нави	Жин тури	Модал узунли ги мм	Штапел узунли ги, мм	Вари ация коэффи циенти, %	Узилиш кучи, г	Чизикли зичлик м текс (рақам)	Нисбий узилиш кучи гс / текс	Қалта толалар нинг таркиби, %
С-6524	Мавжуд.	29,65	33,54	28,1	4,3	181 (5510)	23,7	18,9
	Таклиф	29,69	33,81	26,7	4,3	181 (5510)	24,9	18,7
Уйчи-2	Мавжуд	24,43	29,51	26,5	4,4	189 (5320)	23,8	9,4
	Таклиф	24,95	29,72	25,9	4,5	189 (5320)	23,9	8,9



3.4-расм. Хомашё валиги толадорлигини тезлаткичнинг айланиш тезлиги ва аррали жиннинг иш унумдорлигига боғлиқлиги



3.5-расм. Аррали жин иш унумдорлиги ва тезлаткич айланиш тезлигининг тола таркибидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдорига таъсири (тола тозалагичсиз).

Диссертациянинг тўртинчи боби "Аррали жинлаш жараёнини экспериментал тадқиқоти"га бағишланган. Ҳавопуркагичли янги профилдаги ишчи камерада амалга оширилган ва дастлабки тажрибаларни таҳлил қилиб қуйидаги асосий кирувчи омиллар ва уларнинг ўзгариш чегаралари аниқланди. 4.1 ва 4.2-жадвалларда кирувчи ва чиқувчи омиллар ва уларнинг ўзгариш чегаралари келтирилган.

Синов омилларининг ўзгарувчанлик даражаси

4.1-жадвал

Белгилар	Факторларнинг номлари	Ўлчов қиймати	Ўзгариш даражаси	
			-1	+1
X ₁	Аррали жиннинг иш унумдорлиги	кг / арра-соат	7,5	12,5
X ₂	Цилиндрсимон труба диаметри	мм	56	126
X ₃	Ҳаво тезлиги	м / с	2,6	18,6
X ₄	Тирқишни бурилиш бурчаги	градус	228	324

Синов натижаси

Жадвал 4. 2

Белгиланиши	Номланиши	Ўлчови
У ₁	Толадаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар миқдори	%
У ₂	Толанинг узунлиги	мм
У ₃	Узилиш кучи	гс
У ₄	Толанинг механик шикастланиши	%
У ₅	Шикастланган чигитларни миқдори	%
У ₆	Тўлиқ тозаланган чигит миқдори	%
У ₇	Чигитни иш камерасида ўртача туриш вақти	сек
У ₈	Хомашё валигини толадорлиги	%

Жинлаш жараёни кўрсаткичларини баҳолаш ва рационал қийматларини аниқлаш учун тўлиқ омилли экспериментлар режалаштирилди ва стандарт усул ва воситалар ёрдамида ўтказилди ҳамда натижалари қайта ишланди.

Жараённинг математик моделига фақат муҳим коэффицентлар киритилди ва маълумотларни қайта ишлаш натижасида олинган регрессия тенгламалари қуйидаги шаклга эга:

1. Тола таркибидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар учун регрессия тенгламаси:

$$U_1 = 3,675 + 0,075X_1 + 0,15X_2 + 0,15X_3 - 0,15X_2X_3 - 0,175 X_1X_4$$

2. Тола узунлиги учун регрессия тенгламаси:

$$U_2 = 34,419 + 0,561X_1 - 0,271X_2 - 0,194X_3 - 0,119X_4 + 0,474X_1 X_3 - 0,194X_1X_4;$$

3. Узилиш кучи учун регрессия тенгламаси:

$$Y_3 = 4,1 - 0,054 X_2 - 0,071 X_1 X_3;$$

4. Толанинг механик шикастланиши учун регрессия тенгламаси:

$$Y_4 = 3,125 - 0,625 X_3 + 0,875 X_1 X_2 + 0,625 X_1 X_3$$

5. Шикастланган чигитлар учун регрессия тенгламаси:

$$Y_5 = 1,8775 + 0,1575 X_1 + 0,0625 X_2 - 0,1925 X_4 - 0,1575 X_1 X_3 - 0,4625 X_1 X_4$$

6. Тўлиқ тозаланган чигитлар миқдори учун регрессия тенгламаси:

$$Y_6 = 42,1821 - 0,8338 X_1 - 1,6237 X_2 - 1,4 X_3 + 0,8879 X_4 + 1,8388 X_1 X_3 + 10,5088 X_1 X_4$$

7. Чигитнинг ишчи камерада туриш вақти учун регрессия тенгламаси:

$$Y_7 = 60,775 - 2,15 X_1 - 5,825 X_2 - 4,575 X_3 - 1,55 X_1 X_2 + 4,25 X_1 X_3 + 10,725 X_1 X_4$$


8. Хомашё валигини толадорлиги учун регрессия тенгламаси:

$$Y_8 = 17,6875 + 0,86 X_2 + 0,6875 X_3 + 0,84 X_1 X_2 - 1,5175 X_1 X_3 - 3,87 X_1 X_4$$


Аниқланган регрессия коэффициентлари Фишер критерийси бўйича аҳамиятлиликка, регрессия тенгламалари эса Стьюдент критерийси бўйича жараёнга монандлик (адекватлик) ка текширилди. Аҳамиятсиз коэффициентлар ташлаб юборилди, адекватлик 96% ни ташкил этди.

Регрессия тенгламалари Maple – 17 дастурида қайта кирувчи параметрларнинг чегаравий ва оралиқ қийматларида қайта ишланди. Оптимумга босқичма-босқич яқинлашиш ва айрим технологик кўрсаткичларга чегара қўйиш усули билан кирувчи параметрларнинг оптимал кўрсаткичлари аниқланди.


Оптималлаштириш натижалари танланган асосий омиллар учун куйидаги мақбул қийматларни тавсия этишга имкон беради: жиннинг маҳсулдорлиги 10 кг/арра-соат, цилиндрсимон труба диаметри 56 мм, ҳавонинг тезлиги 16,8 м / с, тирқишнинг бурилиш бурчаги 269 градус.




4.1-расм. Экспериментал стенднинг умумий кўриниши




4.2-расм. Ҳавопуркагичли аррали жин иш камераси




4.3-расм. Хомашё валиги зичлигининг тезлатгич ва аррали жин иш унумдорлиги ва айланиш тезлигига боғлиқлиги



4.4-расм. Иш камерасида чигитларни ўртача туриш вақти ва тезлаткичнинг айланиш тезлигига боғлиқлиги



4.5-расм. Тезлатгичнинг хомашё валигини айланишига таъсири




4.6-расм. Тезлатгичнинг иш камерасидан ажратилган тоза чигитларнинг чиқишига таъсири

Диссертациянинг бешинчи боби "Янги аррали жинни ишлаб чиқариш синовлари ва уни амалиётга жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш" га бағишланган.

Аниқланган параметрлар асосида аррали жиннинг янги конструкцияси Наманган пахта терминали АЖга қарашли Чортоқ механика заводида тайёрланди ва Гулбоғ пахта тозалаш корхонасида технологик жараёнга ўрнатилди ҳамда бир хил шароитларда мавжуд 4ДП-130 машинаси билан солиштирма синовлардан ўтказилди.

Тавсия қилинган ишчи камера схемаси 5.1 расмда, бу камера ўрнатилган жин машинасининг умумий кўриниши 5.2-расмда, турли селекцион ва саноат навлари ҳамда турли иш унумдорлигида ўтказилган ишлаб чиқариш синовлари натижалари 5.1 жадвалда келтирилган.



5.1-расм. Хаво пуркагичли модернизацияланган ишчи камера



5.2-расм. Ишлаб чиқаришдаги жин машинасининг умумий кўриниши

Аррали жиннинг иш унумдорлиги ва толанинг қиёсий сифат кўрсаткичлари

5.1-жадвал

Пахта- нинг нави	Аррали жин иш унумдорлиги				Толани чиқиши, %		Тола хажми, т		Тола таркибидаги нуқсонлар ва ифлос аралашмалар, %	
	кг/арра-соат		кг/маш-соат							
	Мав- жуд	Жорий этилган	Мав- жуд	Жорий этилган	Мав- жуд	Жорий этилган	Мав- жуд	Жорий этилган	Мав- жуд	Жорий этилган
I	10,6	11,8	1908	2124	32,7	32,9	6398	6437	3,42	3,01
II	9,4	10,8	1692	1944	31,5	31,7	1047	1054	4,40	4,08
III	7,5	9,6	1350	1728	29,4	29,6	659	663	6,61	6,0
IV	6,6	7,4	1188	1332	26,9	27,1	593	598	10,27	9,6
V	5,8	7,0	1044	1260	25,5	25,7	1955	1970	7,78	6,9
	7,98	9,32	1436	1678	30,7	30,9	10652	10722	5,46	4,01

Гулбоғ пахта тозалаш корхонасида асосий омилларнинг оптимал қийматларида, С-6524 ва Уйчи-2 пахта навларида ўтказилган синовлар натижаларидан таклиф этилаётган жин машинасида илмий асосланган ишчи параметрларнинг қўлланиши туфайли унинг бир маромда ишлаши ва

мавжуд аррали жинга нисбатан тола сифатининг яхши сақланиши маълум бўлди. Олинган пахта толасининг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинганда амалдаги жинда олинган пахта толасига нисбатан янги жинда олинган тола сифати бир синфга юқори бўлиши аниқланди.

Янги жин машинасининг ишлаб чиқаришга жорий қилинишидан олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлик ҳисоблаб чиқилди. Натижада толанинг сифатининг яхшиланиши натижасида олинадиган йиллик иқтисодий самара қуйидагича бўлиши аниқланди:

$$\mathcal{E} = (П - EK) \cdot A_r = 149\,096\,903 \text{ сўм}$$

Умумий хулосалар ва тавсиялар

Аррали жин ишчи камерасини такомиллаштиришга қаратилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Аррали жин машинасининг мавжуд конструкциялари, уларни такомиллаштиришга бағишланган тадқиқотлар таҳлили толасидан тўлиқ тозаланган чигитларни иш камерасидан чиқариб олишни тезлатиш ва хомашё валиги зичлигини камайтирадиган жинлаш технологиясини яратиш зарурлигини кўрсатди.

2. Арра тишларига илашган пахта бўлакчаларининг ҳаракат тенгламалари ҳаво берилмасдан ва ҳаво оқими таъсирида олинган тенгламалар таҳлиliga кўра инерция кучи пахта бўлакчаларининг арра тишлари билан илашишини ошириши, арра тишларига бир мартада илашган толалар миқдорининг кўпайиши ва бу жиннинг иш камерасида чигитларни ўртача туриш вақти камайишини таъминлаши аниқланган.

3. Лентали тола ажратиш жараёнининг математик моделлари асосида жинлаш зонасида чигитдан толани максимал даражада ажралиши ва жинлаш ёйи узунлигининг оширилиши билан пахта бўлакчаси қатламининг камайиши, шунингдек, пахта бўлакчасининг аррали цилиндр томон йўналтирилиши аниқланган.

4. Хом ашё валиги қатламларини ҳаракатланиш алгоритми сонли таҳлили натижаларига кўра толаларни самарали даражада илашиш шароитини яратиш ва тангенциал кучланишларни камайтириш учун иш камерасининг рационал эгрилик радиуси 0,17-1,19 м экани аниқланган.

5. Аррали жиннинг янги профилдаги ишчи камераси таклиф этилган бўлиб, хусусан ишчи камераси ва аррали цилиндрининг вертикал ўқлари орасидаги масофа 130 мм, эгрилик радиуси 185 мм бўлган ишчи камера профили ишлаб чиқилган.

6. Аррали жин машинасининг мавжуд ва таклиф этилаётган ишчи камераларида ишлаб чиқилган толаларнинг физик-механик хусусиятлари таққосланиб, нисбий узилиш кучи 10,2 г/текс ва 9,7 г / тексдан мос ҳолда С-6524 тола учун 11,5 г/тексга ва Уйчи-2 толаси учун 10,2 г/тексга яхшилангани аниқланган.

7. Янги конструкциядаги аррали жин ишчи камерасини амалиётга жорий қилиниши толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини ўртача 0,4%, чигит механик шикастланиши даражасини ўртача 0,3 – 0.4 % га камайтириш имконини берган.

8. Кўп омилли режали экспериментлар натижалари асосида аррали жинлаш жараёнининг қуйидаги оптимал қийматлари аниқланган:

аррали жиннинг иш унумдорлиги, кг/арра-соат.....	10
цилиндрсимон қувурнинг диаметри, мм.....	56
ҳавонинг тезлиги, м/с	16,8
тирқишнинг бурилиш бурчаги, градус.....	269

9. Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдан олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлик ўрта қувватли битта пахта тозалаш корхонаси учун 149 096 903 сўмни ёки толанинг бир тоннасига 20 600 сўмни ташкил этади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК (DSc) НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ЗА
НОМЕРОМ PhD.30.05.2018.T.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ЭРГАШЕВ ЖАМОЛИДДИН САМАТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ОТДЕЛЕНИЯ
ВОЛОКНА С ЦЕЛЬЮ СОХРАНЕНИЯ ЕГО КАЧЕСТВЕННЫХ
ПОКАЗАТЕЛЕЙ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка
сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА (DSc) ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК**

Наманган - 2020

Тема диссертации доктора (DSc) технических наук зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2019.3.DSc/Т 312

Докторская диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.namti.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный консультант:

Ахмедходжаев Хамит Турсунович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мадумаров Илхом Дадаханович
доктор технических наук

Сулаймонов Рустам Шенникович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Валиев Гулам Набиджанович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «14» февраля 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.30.05.2018.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 100100, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75. e-mail: niei_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №355).

Адрес 100100, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «31» января 2020 года.
(реестр протокола рассылки №11 от «31» января 2020 года).

Р.М.Мурадов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

О.Ш.Саримсаков

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

К.М.Холиков

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным «Международного консультационного комитета по хлопку» (ICAC) «...каждый год в мире выпускается 23-24 млн тонн хлопкового волокна, его годовое потребление составило 24-25 млн тонн.»¹ В связи с этим в мировом масштабе увеличивается объем исследований, направленных на повышение качества и снижение себестоимости хлопковой продукции, а также становится одним из важных-задачи изучение и предотвращение факторов, отрицательно влияющих на качество продукции, разработка ресурсосберегающих технологий, способствующих сокращения расходов во всех этапах производства

В мире как основной процесс первичной обработки хлопка, уделяется особое внимание процессу отделения волокна от семян, развитию его техники и технологии, а также повышению качества и снижению себестоимости продукции за счет широкого внедрения современной, ресурсосберегающей техники и технологии джинирования. В этом направлении, в частности, разрабатываются научные основы повышения эффективности процесса джинирования хлопка, сохранения первоначальных качественных показателей волокна и семян при переработке, уменьшения расхода энергии. Вместе с этим, приобретают особую важность вопросы создания малогабаритных, простых, не материалоемких и энергосберегающих конструкций, способствующих разработке современных, гибких технологий отделения волокна от семян.

В нашей республике уделяется большое внимание стремительному развитию производства готовой продукции с добавочной стоимостью на основе глубокой переработки хлопкового сырья, обеспечению конкурентоспособной хлопковой продукции на внутреннем и внешнем рынке на основе модернизации хлопкоочистительных заводов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусматривается «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий». При выполнении данного требования вопросы разработки и внедрения эффективной технологии отделения волокна от семян, способствующих сохранению качества волокна и семян, а также сокращению энергетических расходов, являются одним из основных и важных задач хлопкоочистительной промышленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. email secretariat@icac.org. September 1, 2017

Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 28 ноября 2017 года №ПП-3408 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления хлопковой отраслью» и в Постановлении Кабинета Министров от 31 марта 2018 года №253 «О дополнительных мерах по организации деятельности хлопковых текстильных производств и кластеров», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии республики: II. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.²

Научно-исследовательская работа по совершенствованию техники и технологии пильного джинирования проводятся в различных высших учебных заведениях и научно-исследовательских центрах зарубежных странах мира: как США, Индии, Китае, Турции и Бразилии, в том числе, Texas Tech University, Samuel Jakson Incorporated, U.S.Department of agriculture, Lummus, USDA Ginning Cotton Research Unit, USDA Agricultural Research Service (США), Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University Lebed (Китай), Central Institute for Research on Cotton Technology, Bajaj Steel Industries Ltd (Индия), Balkan Cotton Ginning Machinery Ltd.(Турция), Brazilian Agricultural Research Corporation (Бразилия). В данное время хлопкоочистительное оборудование выпускается в США, Республике Узбекистан, по лицензии США в Индии, Китае. В США джинирующие машины выпускают ряд фирм, специализирующихся в области хлопкоочистительного машиностроения: “Континенталь”, “Луммус”, “Муррей”, “Консолидейтед” и т.д.

В США научно-исследовательские работы в области оборудования для первичной обработки хлопка проводятся в лабораториях Департамента сельского хозяйства в городах: Стонвилл, Лаббок и Мезилла парк. Основным направлением деятельности американских машиностроительных фирм является увеличение количества пил на валу пильного цилиндра, создание двух камерных джинов, обеспечение эффективное выделение оголенных семян и другие.

Степень изученности проблемы. Развитию научных основ технологии джинирования хлопка-сырца заложенной Б.А.Левковичем, занимались многие ученые Узбекистана и республик СНГ. В частности изучены процессы джинирования в рабочих камерах серийного выпуска: плотность, состав, скорость вращения и время пребывания волокна, семян и другие показатели происходящие сырцовом валике. Однако, практически отсутствует теоретические и экспериментальные исследования влияния конструкции рабочей

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществляется на основе: www.chnna-warpingmachine.com, www.zaurer.com; www.t-tecxjapan.co.jp; www.zzfj.com, <http://www.benningergroup.com>; www.somet.it, www.picanol.bi, <http://www/toyoda.com>, www.bstzjx.com., Internationaljournalofappliedandfundamentalresearch и других источников.

